

_____ - сонли КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ

_____ **шаҳри** _____ **йил**
Бир тарафдан АТ “Алоқабанк” (бундан буён матнда “КРЕДИТОР” деб аталувчи) номидан _____ **йил** _____ **даги** _____ - **сонли** ишончнома асосида ҳаракат қилувчи АТ “Алоқабанк” _____ **бошлиғи** _____
_____ ва иккинчи тарафдан _____ **да**
истиқомат қилувчи жисмоний шахс _____ (паспорт маълумотлари: _____ **томонидан** _____ **йилда берилган** _____ **сонли паспортга асосан** _____ **йилда туғилган**) (бундан буён матнда “ҚАРЗДОР” деб аталувчи) (биргаликда “ТАРАФЛАР” деб аталувчи), ушбу Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. ТУШУНЧАЛАР

1.1. Шартномада қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

Кредит объекти – ажратиладиган **КРЕДИТ** маблағи ҳисобига харид қилинадиган товар (маҳсулот) ва/ёки кўрсатиладиган хизматлар.

Гаров объекти – **КРЕДИТ** таъминоти сифатида гаровга тақдим қилинадиган мулклар.

2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. **КРЕДИТОР ҚАРЗДОР**га шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул суммасини (маблағларини) (бундан буён матнда “**КРЕДИТ**” деб юритилади) бериш, **ҚАРЗДОР** эса олинган **КРЕДИТ** суммасини қайтариш ва унинг учун фоиз тўлаш мажбуриятини олади.

3. ШАРТНОМАНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

3.1. **КРЕДИТ** суммаси: _____ (____) сўм.

3.2. **КРЕДИТ**дан фойдаланиш муддати: _____ (____) ой муддатга асосий қарз тўловларидан _____ (____) ой имтиёзли давр берган ҳолда.

3.3. **КРЕДИТ**нинг охири муддати: _____ йил.

3.4. **КРЕДИТ** буйича фоиз ставкаси: Йиллик _____ (____) фоиз.

3.5. **КРЕДИТ**нинг навбатдаги қисмини тўлаш муддати ҳар ойнинг _____ санасигача.

3.6. Фоизларни тўлаш муддати: ҳар ойнинг _____ санасигача.

3.7. **КРЕДИТ**нинг мақсади: _____ . (*Ипотека кредитида*: Олди-сотди шартномасига асосан умумий нархи _____ (____) сўм бўлган уй-жойни **ҚАРЗДОР**нинг ўз ҳисобидан _____ (____) сўм (уй-жой умумий нархининг _____ фоизи) тўлаб, қолган қисмини **КРЕДИТ** ҳисобидан тўлаган ҳолда сотиб олиш учун).

3.8. **КРЕДИТ**нинг объекти: _____ .

3.9. **КРЕДИТ**нинг тўлиқ қиймати _____ (____) фоизни ташкил қилади ва у қуйидаги тўловларни ҳисобга олиб ҳисобланади:

а) **КРЕДИТ**нинг асосий қарзи – _____ (____) сўм, _____ тийин;

б) фоизлар буйича тўловлар – _____ (____) сўм, _____ тийин;

в) суғурта тўловлари – _____ (____) сўм, _____ тийин;

г) гаров мулкани баҳолаш буйича тўловлар – _____ (____) сўм;

д) “Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами: 905-сон, 2000 йил 2 март)нинг иловасига асосан бошқа тўловлар – _____ (____) сўм.

4. КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ҲИСОБ КИТОБЛАР

4.1. **КРЕДИТОР** шартномада кўрсатилган шартлар асосида **ҚАРЗДОР**га **КРЕДИТ** объектини сотиб олиш учун ишлаб чиқарувчи ёки реализация қилувчи шахснинг ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан (нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида) ажратади.

4.2. Қонун ҳужжатлари билан рухсат этилган ҳолларда ваколатли орган ҳулосасига асосан **КРЕДИТ**нинг бир қисми нақд пул кўринишида ёки унга тенглаштирилган тўловлар орқали ажратилиши мумкин.

4.3. **ҚАРЗДОР КРЕДИТ**ни ва унинг фоизларини **КРЕДИТОР**га шартномага илова қилинган **КРЕДИТ**ни тўлаш жадвалида (1-илова) белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш учун маълумот сифатида фойдаланади.

4.4. **ҚАРЗДОР** шартнома шартларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун **КРЕДИТОР КРЕДИТ**ни барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин ундириб олиш ҳуқуқига эга.

4.5. Шартноманинг 4.4-бандида назарда тутилган ҳоллардан ва хусусан, қуйидаги ҳолларда, **КРЕДИТОР КРЕДИТ**ни барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин ундириб олиш ҳуқуқига эга:

- а) **ҚАРЗДОР** томонидан **КРЕДИТ** ёки унинг фоизлари ўз вақтида тўланмаганда;
- б) **ҚАРЗДОР КРЕДИТ**дан мақсадсиз фойдаланганда;
- в) ажратилган **КРЕДИТ** турли сабабларга кўра таъминотсиз бўлиб қолганда;
- г) **ҚАРЗДОР** ёлғон маълумотлар ёки қалбаки ҳужжатлар тақдим этганда.

4.6. **КРЕДИТ**га фоизлар унинг қолдиқ суммасига кунлик ҳисоблаб борилади.

4.7. **ҚАРЗДОР** томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, **КРЕДИТОР КРЕДИТ**ни, унинг фоизларини ҳамда ҳисобланган неустойкани талаб қилиши ёки **ҚАРЗДОР**нинг барча ҳисобварақларидаги маблағлари ҳисобидан, шунингдек, барча мол-мулклари (мулкый ҳуқуқлари)дан ва таъминот ҳисобидан ундириши мумкин.

4.8. **КРЕДИТОР** АТ “Алоқабанк”да, ҳамда бошқа банкларда очилган **ҚАРЗДОР**нинг ҳар қандай ҳисобрақамларидан **КРЕДИТ** бўйича талабларни қондириш учун зарур бўлган маблағларни ва барча ҳисобланган неустойкаларни (сўзсиз, розилигисиз) акцептсиз тартибда ҳисобдан чиқариш (ечиб олиш) ҳуқуқига эга.

4.9. Шартнома билан **ҚАРЗДОР КРЕДИТОР**га, шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда ҳар қандай банкда унинг номига очилган ҳар қандай ҳисобварақлардан (ҳисобрақамлардан) маблағларни ҳисобдан чиқариш (ечиб олиш) ҳуқуқини беради ва унга розилик беради.

4.10. Шартномани имзолаш **ҚАРЗДОР**нинг унинг номига ҳисобрақамлар очилган барча банкларга, **КРЕДИТОР** томонидан ўз ҳисобрақамидан пул маблағларни ундиришига топшириқ ва розилиги деб ҳисобланади ва **ҚАРЗДОР**дан қўшимча ёки бошқа ҳужжатлар талаб қилинмайди.

4.11. **ҚАРЗДОР**нинг номига янги банк картаси очилганда ушбу банк картаси рақами ва унинг амал қилиш муддати тўғрисида **ҚАРЗДОР КРЕДИТОР**га хабар беради.

4.12. Шартнома бўйича **ҚАРЗДОР**га кўрсатилган ва/ёки кўрсатилаётган барча банк хизматлари учун **ҚАРЗДОР** банк тарифида назарда тутилган банк хизмат ҳақини **КРЕДИТОР**га тўлайди.

4.13. **ҚАРЗДОР** таъминотга тақдим этилган объектларни (мол-мулкни, мулкый ҳуқуқларни, ҳуқуқларни) **КРЕДИТ** ва унинг фоизлари тўлиқ тўлангунча **КРЕДИТОР**нинг розилигисиз сотишга ёки бошқача тарзда реализация қилишга ҳақли эмас.

4.14. Банк тарифлари қайта тасдиқланган тақдирда, **ҚАРЗДОР** кўрсатиладиган банк хизматлари учун амалдаги янги тариф бўйича хизмат ҳақини тўлайди.

4.15. Янги таҳрирдаги тарифларни банкнинг расмий веб сайти (www.aloqabank.uz)да эълон қилиниши, **ҚАРЗДОР**ни бу ҳақда хабардор қилинган деб ҳисоблаш учун етарли бўлади ва унинг шартлари шартнома **ТАРАФЛАРИ** учун мажбурий ҳисобланади.

4.16. Амалга оширилган тўлов келиб тушган пайтда биринчи навбатда **КРЕДИТОР**нинг ижрони олишга қаратилган чиқимларини (харажатларини), ундан сўнг

неустойкани, сўнг муддати ўтган фоизларни, муддати ўтган асосий қарзни, сўнгра жорий фоизларни, график бўйича асосий қарзни, ундан сўнг қолган сумманинг шу (тўлов амалга оширилган) ой охирига қадар ҳисобланиши кутилаётган фоизлардан ортиқча қисми **КРЕДИТ** жорий қарздорлик суммасини қоплаш учун йўналтирилади.

4.17. **ҚАРЗДОР КРЕДИТ** суммасининг 2 (икки) бараваридан юқори суммада кредит ёки қарз оладиган бўлса ёхуд учинчи шахсларнинг кредиторлари олдида кафил бўладиган бўлса ушбу ҳақида 2 (икки) банк иш куни ичида **КРЕДИТОР**ни хабардор қилади.

4.18. **КРЕДИТОР** шартномада назарда тутилмаган мақсадлар учун **КРЕДИТ** суммасини ўтказиш тўғрисидаги **ҚАРЗДОР**нинг тўлов ҳужжатларини (аризасини) қабул қилмайди, қабул қилинган тўлов ҳужжатларини (аризаларни) ижросиз **ҚАРЗДОР**га қайтаради.

4.19. **ҚАРЗДОР** фойдаланилмаган **КРЕДИТ**дан воз кечиш ҳақида **КРЕДИТОР**ни икки ҳафта олдин ёзма равишда хабардор этиш орқали ушбу **КРЕДИТ**дан ёки унинг бир қисмидан воз кечишга ҳақли, бунда **ҚАРЗДОР** томонидан қилинган ҳар қандай харажатлар **КРЕДИТОР** томонидан қайтарилмайди (қопланмайди).

4.20. **ҚАРЗДОР КРЕДИТ** суммасидан шартнома тузилган кундан бошлаб бир ой давомида фойдаланмаса **КРЕДИТОР КРЕДИТ**ни ўтказиш тўғрисида аризасини бажармасликка ҳақли.

4.21. **КРЕДИТОР** “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги норматив ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига қатъий риоя қилади.

4.22. **КРЕДИТОР** қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда **ҚАРЗДОР**ни олдиндан хабар қилмасдан операцияларни тўхтатиб қўйиши (мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиши) ва пул маблағларини ёки бошқа мол мулкани ишга солмасдан тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

4.23. **КРЕДИТ** ҳисобидан сотиб олинган мулк (айланма маблағни шакллантириш учун олинган мулк бундан мустасно) **КРЕДИТОР**нинг ёзма розилигисиз сотилиши, ҳады қилиниши, алмаштирилиши ва бошқа йўл билан четлатилиши, мулк жойини ўзгартирилиши таъқиқланади.

4.24. **КРЕДИТОР**нинг айби билан электрон тўлов нотўғри амалга оширилган тақдирда, у маблағни хатолик аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан олувчининг ҳисобварағига ўтказиши. **ҚАРЗДОР КРЕДИТОР**дан маблағларни қайтаришни, шунингдек кечиктирилган ҳар бир кун учун нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдоридан, лекин нотўғри амалга оширилган электрон тўлов сумманинг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлашни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5. КРЕДИТ ҚАЙТАРИЛИШИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

5.1. **ҚАРЗДОР** шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажарилишини таъминоти сифатида қуйидагиларни тақдим этади:

_____ (Омонат гарови қабул қилинган ҳолларда: **КРЕДИТ** суммасининг _____ фоизи миқдоридан, яъни _____ сўм омонат гарови. Омонат гарови сифатида қўйилган маблағ _____ сотиб олинган автомашина гаровга тақдим қилингандан сўнг **ҚАРЗДОР**нинг ёзма топшириғига асосан **КРЕДИТ**ни сўндириш учун йўналтирилади).

5.2. Таъминот мол-мулк гарови бўлганда **ҚАРЗДОР** гаров объектини **КРЕДИТОР** фойдасига ёнғин, zilzila, йўл транспорт ходисаси ва бошқа суғурта ходисаларидан **КРЕДИТ** муддатига мос равишда суғурталайди.

5.3. **ҚАРЗДОР** гаров объектини суғурталаганидан сўнг суғурта полисини **КРЕДИТОР**га 1 (бир) кунда тақдим этиши шарт.

5.4. Агар таъминотга омонат гарови қабул қилинган бўлса ҳамда **ҚАРЗДОР** шартнома бўйича мажбуриятларини бажарилишини таъминоти сифатида тақдим қилинган омонат маблағи аслида ушбу пул маблағларининг эгаси бошқа шахс эканлиги (ФКнинг 228-

моддаси) асосида ёки жиноят ёхуд бошқа ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун (ФКнинг 204-моддаси) гаровга қўювчидан қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилган ҳолларда **ҚАРЗДОР** томонидан ўз мажбуриятини бажарилишини таъминоти сифатида гаров тариқасида 10 (ўн) банк куни ичида бошқа мол-мулк тақдим этилади ёки ушбу омонат суммаси миқдорида **КРЕДИТ** суммаси сўндирилади.

5.5. **КРЕДИТОР**нинг шартнома бўйича мажбурияти (**КРЕДИТ** ажратиш) **КРЕДИТ** қайтарилишининг таъминланишини белгиловчи ҳужжат белгиланган тартибда тўлиқ расмийлаштирилганидан ва у **КРЕДИТОР** томонидан қабул қилиб олингандан сўнг кучга киради.

5.6. **ҚАРЗДОР**нинг **КРЕДИТ** бўйича моддий жавобгарлиги 5.1-бандида курсатилган таъминот билан чекланмайди.

5.7. **ҚАРЗДОР** шартномада кўрсатилган ва/ёки **КРЕДИТ** ажратиш тўғрисида кредит қўмитаси (комиссияси) қарорида белгиланган мажбуриятлар бажарилишининг таъминотини тақдим этмагунча **КРЕДИТОР** ссуда ҳисобварақ очмаслиги ёки **КРЕДИТ** бўйича пул ўтказиш тўғрисидаги тўлов ҳужжатларини (аризани) ижрога қабул қилмаслиги, қабул қилинган тўлов ҳужжатларини (аризаларни) ижросиз қайтариши мумкин.

5.8. **ҚАРЗДОР** шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда **КРЕДИТОР КРЕДИТ**ни, унинг фоизларини, неустойкаларни ва бошқа суммаларни, шу жумладан, харажатларни ва суд чиқимларини ундиришга розилик беради.

5.9. Шартноманинг 5.1-бандида **КРЕДИТ** ҳисобига сотиб олинган мулк (**КРЕДИТ** объекти)ни ушбу **КРЕДИТ** бўйича гаровга тақдим қилиш шarti қўлланилганда мазкур мулк (**КРЕДИТ** объекти) **ҚАРЗДОР** томонидан қабул қилиб олинганидан сўнг **10 (ўн)** банк иш кунидан кечиктирмасдан **КРЕДИТ** таъминоти сифатида **КРЕДИТОР**га гаровга тақдим этилади.

5.10. **КРЕДИТ** таъминоти ҳужжатларини расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган харажатлар, шунингдек гаров (ипотека) шартномасини нотариал тасдиқлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш, ипотека тўғрисидаги қайд ёзувига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ харажатлар **ҚАРЗДОР** томонидан тўланади.

6. КРЕДИТ ИШЛАТИЛИШИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИНИШИ

6.1. **ҚАРЗДОР КРЕДИТ**ни мақсадли ишлатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни **КРЕДИТОР**га тақдим этади.

6.2. **ҚАРЗДОР КРЕДИТОР** сўраган ва/ёки шартномада кўрсатилган барча ҳужжатларни **КРЕДИТОР**га 3 (уч) банк иш куни давомида тақдим қилади.

6.3. **КРЕДИТОР** бевосита **ҚАРЗДОР** яшаш жойида ва доимий рўйхатдан ўтган жойида мақсадли текширишларни амалга ошириши мумкин.

6.4. Махсус ваколатли органнинг хулосаси (тавсияномаси) билан ажратилган **КРЕДИТ**ларда **ҚАРЗДОР КРЕДИТОР**га, сектор ва маҳалла фуқаролар йиғини ходимларига мақсадли текширишлар (**КРЕДИТ**дан мақсадли фойдаланиш, **КРЕДИТ** ҳисобига сотиб олинган мулкнинг сақланиш ва бутлиги масалалари бўйича) ҳар ой ўтказишлари учун рухсат беради.

6.5. Махсус ваколатли органнинг хулосаси (тавсияномаси) билан ажратилган **КРЕДИТ**ларни мақсадли текширишлар муддати **ҚАРЗДОР**нинг розилигисиз, **КРЕДИТОР**, сектор, маҳалла фуқаролар йиғини вакили томонидан мустақил белгиланади.

6.6. **ҚАРЗДОР КРЕДИТ** ажратилганидан сўнг 30 кун давомида **КРЕДИТОР**га **КРЕДИТ**ни мақсадли ишлатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларини (ҳисоб-фактура, бажарилган иш ҳужжатлари ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар) тақдим этмаса ёки банк ходимларига **КРЕДИТ** мониторингини ўтказилишида тўсқинлик қилса ёки шароит яратиб бермаса мазкур **КРЕДИТ** мақсадсиз сарфланган ёки мақсадсиз фойдаланилган деб ҳисобланади.

6.7. Қуйидаги ҳолларда ҳам **КРЕДИТ** мақсадсиз сарфланган ёки фойдаланилган деб ҳисобланилади:

- шартномага асосан **КРЕДИТОР** назоратидан бўйин товлаганда (бош тортганда);

- **ҚАРЗДОР** томонидан **КРЕДИТОР**га **КРЕДИТ** ҳужжатларини расмийлаштирилаётганда тақдим этилган маълумотлар ҳаққоний эмаслиги аниқланганда;

- ўтказиладиган мониторинг натижаларига кўра **КРЕДИТ** мақсадсиз сарфланган ёки мақсадсиз фойдаланилган деб топилса;

- **КРЕДИТ** ҳисобидан сотиб олинган мулк (айланма маблағни шакллантириш учун олинган мулк бундан мустасно) **КРЕДИТОР**нинг ёзма розилигисиз сотилиши, ҳада қилиниши, алмаштирилиши ва бошқа йўл билан четлатилиши ёки мулк жойини ўзгартирилишига йўл қўйилган бўлса.

6.8. **ҚАРЗДОР** томонидан **КРЕДИТ**дан мақсадсиз фойдаланилганлиги ёки сарфланганлиги аниқланганда **КРЕДИТ**нинг шу қисми муддатидан олдин ундирилиши мумкин.

6.9. **КРЕДИТОР** шартнома бўйича зарур бўлган ҳужжатларни **ҚАРЗДОР**дан сўраб олиш ва ушбу ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилинмаганда **КРЕДИТ** маблағларини ажратишни тўхтатиб туриши мумкин.

6.10. **ҚАРЗДОР** шартнома амал қилиш даврида бир йилда бир марта иш жойидан ўртacha иш ҳақи ва бошқа даромадлари тўғрисида **КРЕДИТОР**га маълумотномалар тақдим этиб боради.

6.11. **ҚАРЗДОР** ва унга **КАФИЛ** бўлаётган жисмоний шахсларнинг даромад манбаларига нисбатан шубҳа уйғонганида ёки **КРЕДИТ**ни қайтарилиши муаммога айланганида банк вакиллари **ҚАРЗДОР** ва унга **КАФИЛ** бўлган жисмоний шахсларнинг иш жойларига бориб уларнинг ҳақиқатдан ўша ерда ишлаётганликлари тўғрисида уларнинг иш жойидан тасдиқланган маълумотнома олиши ёхуд **КАФИЛ** юридик шахс бўлганда унинг молиявий ҳолатини мониторинг қилиши мумкин.

6.12. **ҚАРЗДОР** ва ёки таъминот тақдим этувчига нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, назорат қилувчи органлар ёхуд судлар томонидан қўлланилган ёки қўлланилаётган ҳуқуқий таъсир чоралари, иқтисодий, молиявий жарималар ва иқтисодий, молиявий санкциялар тўғрисида унга маълум бўлган кундан бошлаб **КРЕДИТОР**га 2 (икки) кун ичида хабар беради.

7. ШАРТНОМА БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАРНИНГ МАХФИЙЛИГИ

7.1. **ҚАРЗДОР** шартнома бўйича маълумотларни кредит бюрolarига ва гаров реестрига, скоринг компаниясига, мобил алоқа операторига ва зарур бўлганда, суғурта компаниясига берилишига, шунингдек хизмат кўрсатиш ва хизмат сифатини яхшилаш мақсадида шахсга доир маълумотларга ишлов бериш, фойдаланиш ва учинчи шахсга тақдим этилишига розилик билдиради.

7.2. **КРЕДИТОР** талаб қилиш ҳуқуқидан учинчи шахслар фойдасига воз кечиш мақсадида шартнома бўйича барча маълумотларни тақдим этиши мумкин.

7.3. **КРЕДИТОР** барча керакли маълумотларни шартнома доирасида ўз мажбуриятларини бажариш ёки кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида учинчи шахсларга бериши мумкин.

8. ТАЛАБ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИДАН ВОЗ КЕЧИШ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ

8.1. **КРЕДИТОР** исталган вақтда шартнома бўйича талаб қилиш ҳуқуқидан **ҚАРЗДОР**нинг розилигисиз учинчи шахслар фойдасига воз кечиши мумкин.

8.2. **ҚАРЗДОР** шартнома бўйича ўз мажбуриятларини фақат **КРЕДИТОР**нинг ёзма розилиги билан учинчи шахсларга ўтказиши мумкин.

8.3. **ҚАРЗДОР** шартнома бўйича ўз мажбуриятларини учинчи шахсларга ўтказётганида таъминот қўювчиларни розилигини **КРЕДИТОР**га тақдим этади.

9. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК

9.1. **ҚАРЗДОР** шартномага асосан **КРЕДИТ**нинг асосий қисмини қайтариш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни кечиктирган тақдирда **КРЕДИТ**нинг муддати ўтган асосий қисмига ҳар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг 3.4. бандидаги фоиз

ставкасининг **1,5** баробари миқдоридаги (бирок, **50** фоиздан ошмаган) йиллик ставкада ҳисобланадиган, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг **50** фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

9.2. **ҚАРЗДОР** шартномага асосан ҳисобланган фоизларни қайтариш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни кечиктирган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг **0,7** фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг **50** фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

9.3. **ҚАРЗДОР** шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда неустойкадан ташқари етказилган зарарни тўлиқ миқдорда тўлайди.

9.4. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаш ёки мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги учун ҳисобланган неустойкани тўлаш мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди.

9.5. **ҚАРЗДОР КРЕДИТ**дан мақсадсиз фойдаланганда **КРЕДИТОР**га мақсадсиз ишлатилган **КРЕДИТ** суммасини муддатидан олдин **КРЕДИТОР**га қайтаради ҳамда мақсадсиз ишлатилган **КРЕДИТ** суммасининг **25** фоизи миқдорида жарима тўлайди.

9.6. **ҚАРЗДОР** ўзининг иш жойи, яшаш жойи, фамилияси ва исми ўзгарганда ва шартномада белгиланган мажбуриятларини бажарилишига таъсир кўрсатадиган бошқа ҳолатлар тўғрисида **3** (уч) кун ичида **КРЕДИТОР**га хабар беради.

10. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

10.1. **ҚАРЗДОР** шартнома шартларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун **КРЕДИТОР** кредит шартномасини бекор қилиши мумкин, шу жумладан **КРЕДИТОР** шартномани шартномада назарда тутилган қуйидаги ҳолатларда ҳам бир томонлама бекор қилиши мумкин:

а) **ҚАРЗДОР** томонидан **КРЕДИТ** муддатининг ҳар қандай даврида мақсадсиз сарфланган ёки мақсадсиз фойдаланилган деб топилса;

б) **ҚАРЗДОР** томонидан **КРЕДИТ** олиш учун ноаниқ (қалбаки) ҳужжатларни тақдим этганлиги ёки ёлғон маълумотлар тақдим этганда;

в) **ҚАРЗДОР** шартномада назарда тутилган **КРЕДИТ**ни ва/ёки фоизларни тўлаш муддатини кечиктирган тақдирда;

г) **КРЕДИТ**ни қайтариш турли сабабларга кўра таъминланмаган бўлиб қолганда;

д) шартнома имзоланган кундан эътиборан бир ой ичида кредитдан фойдаланмаган тақдирда.

10.2. **ҚАРЗДОР КРЕДИТ** объекти учун **КРЕДИТ** суммасини ўтказмаган ва/ёки **КРЕДИТ** объектига доир шартномада кўрсатилган ёки **КРЕДИТОР** томонидан сўралган ҳужжатларни тўлиқ тақдим этмаган бўлиб, **КРЕДИТ** объектини ҳақиқатда олмаган (қурмаган) ёки хизматдан фойдаланмаган бўлса, **КРЕДИТОР** шартномани муддатидан олдин бекор қилиши мумкин.

10.3. Мажбуриятларидан воз кечиш ҳақининг миқдори, муддатлари ва уни бериш тартибини **ТАРАФЛАР** алоҳида битим билан белгилайдилар.

11. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ЁКИ ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ

11.1. Шартномани бекор қилмоқчи ёки ўзгартирмоқчи бўлган **ТАРАФ** иккинчи **ТАРАФ**га шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш шартларини кўрсатган ҳолда шартномани бекор қилиш тўғрисида Таклиф юборади.

11.2. Шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги Таклифни олган **ТАРАФ**, уни олган кунидан бошлаб **5** (беш) кун ичида ушбу Таклифни кўриб чиқиб, иккинчи **ТАРАФ**га жавоб хати юборади.

11.3. Шартноманинг 11.2. бандида кўрсатилган муддат ичида Таклифни олган **ТАРАФ** иккинчи **ТАРАФ**га Таклиф юзасидан жавоб хати юбормаган тақдирда, Таклиф юборган **ТАРАФ** шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги ариза билан судга муурожаат этиши мумкин.

11.4. Шартномага киритилган барча ўзгартиришлар унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади ҳамда имзоланган кундан қонуний кучга киради.

12. ФОРС-МАЖОР

12.1. **ТАРАФЛАР** шартнома бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажарилмаганлик шартнома тузилгандан кейин, **ТАРАФЛАР** олдиндан кўра олишмаган, оқилона чоралар билан бартараф этиши мумкин бўлмаган фавқулотда тусдаги ҳодисалар натижасида вужудга келган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларининг оқибатлари (масалан, зилзила, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий ёки техноген офатлар) ҳисобланса, жавобгарликдан озод этилади.

12.2. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларига асосланадиган **ТАРАФ** бошқа **ТАРАФ**ни бундай ҳолатлар бошланганлиги тўғрисида ёзма равишда 2 кун ичида хабардор қилиши шарт, шу билан бирга исталган **ТАРАФ**нинг талабига кўра ҳолатларнинг бошланиши фактини тасдиқловчи, тегишли орган томонидан берилган ҳужжат тақдим этилиши керак.

13. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

13.1. Шартнома **ТАРАФЛАР** имзолаган кундан кучга киради ва **ТАРАФЛАР** шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларича амалда бўлади.

13.2. Шартнома амал қилиш муддатининг тугаши **ТАРАФЛАР**ни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

14. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

14.1. Шартнома асосида ва унинг юзасидан **ТАРАФЛАР** ўртасида вужудга келган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар, **ТАРАФЛАР** томонидан музокара орқали ҳал этилади.

14.2. Вужудга келган низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал этиб бўлмаганда, **ТАРАФЛАР** ушбу низоларни суд тартибида ҳал этадилар.

15. ШАРТНОМАНИНГ ЯКУНИЙ ШАРТЛАРИ

15.1. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган бўлиб, бир нусхадан **ТАРАФЛАР**да сақланади.

15.2. Шартнома имзолангандан сўнг **ТАРАФЛАР** ўртасида бўлган ҳар қандай оғзаки ёки ёзма келишувлар, битимлар, шартнома имзолашдан олдин бўлган ҳар қандай ёзишма ва музокаралар ўз юридик кучини йўқотади.

15.3. **ҚАРЗДОР** ўз почта манзили ва реквизитларини ўзгарганлиги (янгиси очилганлиги) тўғрисида 3 (уч) кун ичида **КРЕДИТОР**ни огоҳлантиради.

15.4. Шартноманинг 15.3. бандини бажармаслик **ТАРАФЛАР** шартномада назарда тутилган хат-хабарлар ва тўловлар ўз муддатида етиб бормаганлигини сабаб қилиб кўрсатишдан (важ қилишдан) маҳрум қилади.

15.5. **ҚАРЗДОР** томонидан ҳар қандай хат-хабарлар ёзма шаклда почта орқали буюртмали (олинганлигини тасдиқловчи) хат билан юборилиши керак.

15.6. Шартнома шартлари, унга қўшимча шартномалар ва шартнома юзасидан **ТАРАФЛАР** олган бошқа маълумотлар махфий ҳисобланиб, ошкор этилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

15.7. **ҚАРЗДОР** амалга оширилган тўловлар ва **КРЕДИТ** қарздорлиги миқдори (асосий қарз, фоиз, пеня қарздорлиги ва муддати ўтган қарздорликлар) ҳақида уяли алоқа воситалари орқали SMS хабарномалар юборилишига **КРЕДИТОР**га розилигини билдиради.

15.8. **ҚАРЗДОР**нинг телефон рақами ўзгарган тақдирда 3 (уч) иш куни ичида **КРЕДИТОР**ни хабардор қилади, **ҚАРЗДОР**нинг телефон рақами ўзгарганлиги, ишламаганлиги ёки янги рақамини **КРЕДИТОР**га тақдим қилмаганлиги сабабли **ҚАРЗДОР**га SMS хабарномалар бормаганда **КРЕДИТОР** жавобгар ҳисобланмайди.

16. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

“КРЕДИТОР”	“ҚАРЗДОР”
<p>АТ "Алоқабанк" _____ Манзил: _____ _____</p> <p>х/р: xxxxxxxxxxxxxxxxxxxxxx МФО: _____ СТИР: _____ Тел: _____</p> <p>АТ "Алоқабанк" _____ бошлиғи _____</p> <p>_____ (имзо)</p> <p>Бош бухгалтер _____</p> <p>_____ (имзо)</p> <p>М.У.</p>	<p>_____</p> <p>_____</p> <p>томонидан ____ . ____ . ____ йилда берилган _____ рақамли паспортга асосан _____ . ____ . ____ йилда туғилган.</p> <p>Рўйхатдан ўтган манзили: _____ _____</p> <p>Яшаш манзили: _____ _____</p> <p>_____ (имзо)</p> <p>Тел: Уй (____) _____ Мобил (____) _____ Иш жойи (____) _____</p> <p>Пластик карта рақами _____ / Амал қилиш муддати: _____/_____ _____/_____ _____/_____ _____/_____</p>